

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

Нормурзаев Умид Холмурзаевич -
ЙСТБИ Давлат солиқ бош
инспектори DSc

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51

Аннотация: Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилги солиқ қонунчилик ҳужжатларига киритилган асосий ўзгариш ва солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш уларга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ва бошқа берилётган энгилликлар аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлигига қарамасдан, уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг тизими ишлаб чиқилмаган.

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПОРЯДКА ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ

Нормурзаев Умид Холмурзаевич -
Генеральный инспектор Налогового комитета д.э.н.

Аннотация: Одной из важных задач является увеличение объема рыночных услуг за счет внедрения новых подходов в налоговое законодательство Республики Узбекистан в 2023 году и совершенствование порядка предоставления налоговых льгот. В последние годы в целях опережающего социально-экономического развития страны были предприняты масштабные меры по либерализации экономики, поддержке предпринимательства, созданию единого экономического пространства с равными конкурентными условиями. Также, несмотря на то, что налоговые льготы и другие льготы направлены на конкретные цели, не разработана система оценки их эффективности.

Ключевые слова: бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налог, налоговая ставка, преференции.

ISSUES OF IMPROVING THE PROCEDURE FOR GRANTING TAX BENEFITS

Normurzaev Umid Kholmurzaevich -
Inspector General of the Tax Committee DSc

Abstract: One of the important tasks is to increase the volume of market services by introducing new approaches to the tax legislation of the Republic of Uzbekistan in 2023 and to improve the procedure for granting tax benefits. In recent years, with the aim of rapid socio-economic development of the country, large-scale measures have been taken to liberalize the economy, support entrepreneurship, and create a single economic space with equal competitive conditions. Also, despite the fact that tax benefits and other reliefs are directed to specific goals, a system for evaluating their effectiveness has not been developed.

Key words: budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, tax, tax rate, preferences.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини содаллаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади. Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли солиқ ислохотларининг натижасида аҳоли реал даромадлари ўсиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталсак.

Незамайкин ва Юрзинова –солиқ имтиёзи – бошқа тўловчиларга нисбатан солиқ тўловчиларга солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига солиқ қонунчилигида кўзда тутилган афзалликларнинг, жумладан, солиқ ёки йиғимини тўламаслик ёки кичикроқ ҳажмда тўлаш имкониятининг берилиши дейди [1].

Майбуров солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тў-

лаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили [2].

Милякова “солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти” [3].

Рахматуллаева “солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: имтиёзлар иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир” [4].

Жўраев ва бошқалар “солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин” [5]. Шунинг билан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, уларни тизимлаштириш, уларнинг жорий қилиниши натижасида рақобат муҳитининг мурракаблашиб бориши юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб бориши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усуллари билан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилги солиқ концепцияси доирасида солиқ қонунчилик ҳужжатларига киритилган асосий ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Давлат бюджети тўғрисида” қонуни (30.12.2022 й., ЎРҚ-813-сон), “2023 йил Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни (30.12.2022 й., ЎРҚ-812-сон) ҳамда мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори (30.12.2022й, ПҚ-471-сон) қабул қилинди.

Мазкур қонунчилик ҳужжатлари билан Солиқ кодексининг амалдаги 52 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ҳамда янги 2 та модда билан тўлдирилди. Ушбу киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни корхоналарнинг тоифаларига қараб 4-та йўналишга бўлиш мумкин. 1-йўналиш. Корхона тоифалари бўйича:

Йирик ва ҚҚС солиғи тўловчилари учун қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

Солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди;

Натижада 14 трлн сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

Қопланадиган (қайтариладиган) қўшилган қиймат солиғи суммасининг асослиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунга қисқартирилди. 2023 йил 1 апрелдан қуйидагилар бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди:

бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари бўйича айланма;

Давлат бюджетига қўшимча 106 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда.

почта маркалари, маркали откриткалар, конвертларни реализация қилиш бўйича айланма;

Давлат бюджетига қўшимча 2 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда.

бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновацион ишларни реализация қилиш бўйича айланма.

Давлат бюджетига қўшимча 1 млрд сўм солиқ тушуши кутилмоқда.

Шунингдек, 2023 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинди. Давлат бюджетига қўшимча 27 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилиши белгиланди.

Бу норма ихтиёрий ва заруратга қараб амалга оширилади. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-147-сон қарори билан “Ўздавзахира” кўмитаси ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган.

2023 йил 1 январдан бошлаб, ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилганлиги муносабати билан ҳисобга қабул қилинмаган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасига, гувоҳноманинг амал қилиш муд-

дати тикланган тақдирда, солиқ тўловчида ва унинг харидорларида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган давр учун тузатишлар киритилиши (ҳисобга қабул қилиниши) ҳуқуқи берилди. Мисол учун: Корхона ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилгандан кейин ҚҚС билан 1 150 млн.сўмлик товар (хизмат) сотиб олганда, 150 млн.сўмини товар нархига киритишга тўғри келарди, киритилган ўзгартишдан кейин 150 млн.сўми ҳисобга оши ҳуқуқи пайдо бўлди. Республика бўйича 2022 йилда 61970 корхона томонидан 2 207 млрд.сўм ҚҚС суммаси товар қийматига киритилиб маҳсулот таннархи ошишига олиб келган.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясида ҳисобда турадиган солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди. Бунда ҳисобга олиш солиқ ва божхона органлари томонидан автоматик режимда амалга оширилади. Бунинг учун солиқ тўловчи БЮДни расмийлаштираётганда қўшилган қиймат солиғи қопланиши лозим бўлган сумма ҳисобидан тўлангани тўғрисида белги қўйиши лозим. Йирик солиқ тўловчилар бўйича 2022 йилда 106 та корхона томонидан 234,5 млрд.сўм товарларни импорт қилишда бюджетга ҚҚС тўланган бўлиб, уларнинг ҚҚС бўйича солиқ органларидаги ортиқча тўлови 903,3 млрд.сўми ташкил қилган.

Акциз солиғи бўйича:

Солиқ тўловчилар тоифаси, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари сақлаб қолинди. 2023 йил 1 февралдан бошлаб нефть маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилинди. 2023 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларини (кучсиз алкогольли ичимликлар бундан мустасно) ишлаб чиқаришда акциз солиғи акциз тўланадиган маҳсулот таркибидаги этил спиртининг улушидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда ишлаб чиқариладиган алкоголь маҳсулотининг ўлчов бирлиги «литр» деб белгиланди (илгари «дал» эди).

2023 йилда ушбу маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси акциз тўланадиган товар таркибидаги сув қўшилмаган этил спиртининг 1 литри учун 34 500 сўм миқдориди белгиланмоқда. Масалан, ароқ таркибидаги этил спирти улуши 40 %ни ташкил этади, 1 литр учун акциз солиғи суммаси 13 800 сўми (34 500 сўм x 40%), 2023 йил 1 февралдан бошлаб эса индексацияни ҳисобга олган ҳолда – 15 200 сўми (38 000 сўм x 40%) ташкил этади.

2023 йил 1 январдан бошлаб озиқ-овқат хомашёсидан ректификацияланган этил спирти, эфиральдегидли фракциядан техник ректификацияланган этил спирти ва асосий фракциядан этил спиртига акциз солиғи ставкаси 5 бараварга оширилди ва 1 литр учун 7 450 сўми ташкил этди. 2023 йил 1 январдан бошлаб алкоголь ва тамаки маҳсулотларини импорт қилишда акциз солиғи ставкалари 5 фоизга пасайтирилди.

Бундан ташқари, Фойдали қазилмалар кавлаб олинадиган конларда тоғ жинсларини олиб ташлаш ишлари истикболни кўзлаб амалга оширилишини эътиборга олган ҳолда, улар алоҳида амортизация активлари гуруҳига ўтказилди. Ушбу харажатлар мазкур амортизацияланадиган актив бўйича амортизация

Қўйидаги тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ставкасини 50 фоизга пасайтириш ҳуқуқи берилди:

а) 2022 йил 1 сентябрдан кейин биринчи марта фойда солиғини тўлашга ўтган айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга – солиқ тўловчи солиқ тўлашга ўтган йилдан кейинги битта солиқ даври давомида, башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланадиган солиқ даврида солиқ тўловчининг жами даромади 10 миллиард сўмдан ошмаган бўлса;

Бунда мазкур солиқ тўловчилар солиқ базасини соддалаштирилган тартибда жами даромаднинг 25 фоизи миқдориди белгиланган ҳақли.

Мисол. 2022 йил 1 октябрда (яъни 2022 йил 1 сентябрдан кейин) фойда солиғини тўлашга ўтган солиқ тўловчи, башарти 2023 йилда унинг жами даромади 10 млрд сўмдан ошмаган тақдирда, солиқ тўловчи 2023 йил (1 йил) давомида фойда солиғини 7,5 фоиз ставкаси бўйича тўлашга ҳақли бўлади.

Натижада тадбиркорлар ихтиёрида 12,1 млрд.сўм маблағ қолади

б) 2022 йил 1 сентябрдан кейин жорий солиқ даври давомида жами даромади биринчи марта 10 миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчиларга – башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланадиган солиқ даврларида жами даромад 100 миллиард сўмдан ошмаган бўлса, жорий солиқ даври ва кейинги солиқ даври давомида. Мисол. 2023 йилнинг 9 ойи якунларига кўра солиқ тўловчининг жами даромади биринчи марта 10 млрд сўмдан ошди. Солиқ тўловчининг 2023 ёки 2024 йилдаги жами даромади 100 млрд сўмдан ошмаса, у 2023 йил учун 7,5 % миқдориди ставкани қўллаган ҳолда фойда солиғини тўлайди ва 2024 йилда (2 йил) пасайтирилган ставкани (7,5 %) қўллайди. Натижада тадбиркорлар ихтиёрида 376,4 млрд.сўм маблағ қолади.

Қатъий белгиланган суммадаги солиқ тенг улушларда ҳар ойда, календарь ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тўланади. Мазкур солиқни тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги солиқ органига кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин хабарнома юбориши зарур. Мазкур норма 2023 йил 1 январдан кучга киришини эътиборга олган ҳолда, биринчи марта қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтаётган солиқ тўловчилар солиқ органларига хабарномани 2023 йил 25 январдан кечиктирмай тақдим этишга ҳақли. Янги ташкил этилган солиқ тўловчилар давлат рўйхатидан ўтиш чоғида қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни танлашга ҳақли. Қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни рад этиш навбатдаги солиқ даври бошидан амалга оширилади.

Солиқ даври мобайнида қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтишда, солиқ миқдори қатъий белгиланган суммани 12 га бўлиш ва олинган натижани жорий солиқ даври охиригача қолган ойлар сонига қўпайтириш йўли билан аниқланади.

Солиқ даври мобайнида қатъий белгиланган суммада солиқ тўловчининг жами даромади 500 миллион сўмдан ошган тақдирда, қатъий белгиланган суммадаги солиқ суммаси у ошган ойдан бошлаб жорий солиқ даври охиригача, 500 миллион сўмдан ортиқ жами даромадга эга солиқ тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисобланади. Солиқ даври мобайнида жами даромади 1 миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар, шу жумладан янги ташкил этилган юридик шахслар ва янги рўйхатдан ўтказилган якка тартибдаги тадбиркорлар жами даромаднинг кўрсатилган миқдорига етган кундан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтадилар.

2-ўналиш: Солиқ турлари бўйича:

Солиқларнинг ставкалари бўйича. Фойда солиғи (15 %, алоҳида тоифалар учун – 20%), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12 %), юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (1,5 %), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи (0,95 %), ижтимоий солиқ (бюджет ташкилотлари – 25 %, қолганлар – 12 %) бўйича ставкалар сақлаб қолинмоқда.

Фойда солиғи бўйича:

2022 йил 1 ноябрдан бошлаб товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойдага, экспортдан олинган даромаднинг жами даромаддаги улушидан қатъий назар, 0 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади. Бунда 2023 йил 1 январдан бошлаб доимий муассасалар орқали Ўзбекистон

Республикасида фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларига хизматлар кўрсатишдан олинган фойда бўйича 0 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси қўлланилмайди. Натижада тадбиркорлар ихтиёрида 5,0 млрд.сўм маблағ қолади.

Фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидент дивидендлар кўринишидаги даромадлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган пасайтирилган солиқ ставкасини қўллашга ҳақли эканини назарда тутувчи аниқлаштириш киритилди. Дивидендлар кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ солиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бир нечта пасайтирилган солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса, уларнинг энг паст бўлгани қўлланилади. 2023 йил 1 январдан бошлаб норезидентнинг монтаж қилиш ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни кўрсатишини назарда тутувчи асбоб-ускуналарни сотиб олиш (сотиш) учун ташқи савдо контракти доирасида, кўрсатиладиган хизматлар қиймати алоҳида кўрсатилмаса, у ҳолда норезидентнинг солиқ солинадиган даромади бундай хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб аниқланади (илгари – асбоб-ускуналар қийматининг 20 фоизи). Солиқ бўйича аванс тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш муддатига ўзгартириш киритилди. Хусусан, 2023 йил 1 январдан бошлаб ушбу маълумотномани жорий чоракда олиниши кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб кейинги чоракдаги биринчи ойнинг 15-санасигача (илгари 10-санасигача) тақдим этишга ҳақли. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб жисмоний шахсларнинг ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш ҳақини тўлашга йўналтириладиган жисмоний шахсларнинг даромадлари қисмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинди. Давлат бюджетига қўшимча 50 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда.

Қатъий белгиланган миқдорларда солиқни тўловчи жисмоний шахслар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилинди. Давлат бюджетига қўшимча 30,0 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда. Кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай белгиланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларига ўзгартириш киритилди. 2022 йил якунларига кўра йиллик солиқ ҳисоботини 2023 йил 15 февралдан кечиктирмай тақдим этиш зарур. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида жисмоний шахслар учун белги-

ланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 10 фоизга индексация қилинди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича Солиқ кодексининг 415-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган объектлар бўйича белгиланган пасайтирилган солиқ ставкасини базавий солиқ ставкасига, 2023 йилда уни 0,5 фоиздан 0,6 фоизгача ошириш йўли билан, босқичма-босқич етказиш давом эттирилади. Юридик шахслар учун пасайтирилган солиқ ставкаси 2020 йилдан бошлаб илгари солиқ имтиёзлари берилган объектлар бўйича жорий этилган эди.

Солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни (бўнак тўловларини) тўлаш муддатларига ўзгартириш киритилди. Хусусан, қуйидаги муддатлар белгиланмоқда:

солиқ ҳисоботини тақдим этиш – ҳисобот бериладиган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай. Солиқ даври учун солиқ, бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда, худди шу муддатда тўланади;

жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш (бўнак тўловлари) – жорий солиқ даврининг 20 январидан кечиктирмай;

айланмадан олинандиган солиқни тўловчилар томонидан бўнак тўловларини тўлаш – ҳар чоракдаги учинчи ойнинг 20-санасидан кечиктирмай. Қолган солиқ тўловчилар учун бўнак тўловларини тўлаш муддатлари сақланиб қолади – ҳар ойнинг 10-санасигача, бунда улар январь ойи учун 20 январдан кечиктирмай тўлайди.

3-ўналиш: Худудлар бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон “Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ:

2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишнинг қуйидаги табақалаштирилган тартиби жорий этилсин:

а) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно):

фойда солиғи, айланмадан олинандиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинандиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисоб-

ланган сумманинг 1 фоизи миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

б) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади;

Натижада тадбиркор ихтиёрида 7,1 млрд сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

в) 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) учун айланмадан олинандиган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3 фоиз этиб белгиланади. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мазкур солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари сақлаб қолинади;

Натижада тадбиркор ихтиёрида 13,1 млрд сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

г) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига 4-тоифадаги туманлар бўйича:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинандиган ер солиғи бўйича Солиқ кодекси билан белгиланган энг кам қийматларга 0,3 гача;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи бўйича 0,5 гача камайтирувчи коэффициент киритиш ҳуқуқи берилди. Натижада тадбиркор ихтиёрида 439,7 млрд сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

4-ўналиш: Бошқа ўзгартиришлар

Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг сақланиши учун солиқ қарзи ундирувини солиқ қарзи мавжуд солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш муддати 30 кундан 60 кунгача узайтирилмоқда. Маълумот учун: Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига МИБ томонидан ундирилган 1,4 трлн сўм солиқ қарзининг 1,3 трлн сўми (93 %) инкассо топшириқномалари ва атиги 137 млрд сўм (7 %) қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан таъминланган.

Жами даромади 10 млрд сўмгача бўлган қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўловчиларга солиқ қарзини 6 ой муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқи берилмоқда (бундан устав фондида (устав капиталида) 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар, ер қаъридан фойдаланувчилар ва акциз солиғи тўланандиган товарларни ишлаб чиқарувчилар

мустасно). Бунда фоизларни тўламасдан бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти календарь йил давомида бир марта тақдим этилади. Республика бўйича 16 462 та корхонанинг 944,8 млрд. сўмлик солиқ қарзини ортиқча талабларсиз 6 ой муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади.

Хулоса ва таклифлар. Рақобат муҳитини бузувчи индивидуал имтиёзлар ва преференцияларни етарли натижа кўрсатмаётган соҳалар ва йўналишлар бўйича, шунингдек эскирган ва амалиётда фойдаланилмаётган имтиёзлар ва субсидияларни қисқартириш ёки бекор қилиш,

юқори натижа кўрсатаётган ҳудудлар, юқори қўшилган қиймат яратиш, тез ўсаётган соҳалар учун янги қўллаб-қувватлаш турларини жорий этиш, яратилган қўшилган қиймат, иш ўринлари, экспорт каби кўрсаткичлар асосида ҳар битта имтиёз, субсидия, компенсация ва кафилик бўйича самарадорликни баҳолаш тизимини (КПИ) йўлга қўйиш ҳамда Молия вазирлигида янги тузилма очиш, ушбу тузилмада солиқ ҳисобини яратиш, имтиёзларни, субсидиялар ҳамда бошқа енгилликларнинг самарадорлигини баҳолаш керак бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. – <https://president.uz/uz/lists/view/4551>
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Фафур Фулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.
3. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
4. Александров И.М. (2009) *Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско- торговая корпорация «Дашков и К, 228 с.*
5. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. (2009) *Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: NORMA. 184- бет.*
6. Баладина А.С. (2011) *Анализ теоретических аспектов налоговых льгот и налоговых преференций // Вестник Томского государственного университета- №4(16). – С. 45-60.*
7. Рахматуллаева Ф. (2016) *Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодий ва рағбатлантиришдаги роли. //Молия. №2. 108 бет.*
8. Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. (2004) *Налогообложение юридических и физических лиц. – М.: Экзамен. – С.44.*
9. Майбуров И.А. (2011) *Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. – М: 558 с.*
10. Милякова Н.В. (2008) *Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп. – М.:ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.*
11. Нормурзаев, У. . (2022). *Хукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижалари. Иқтисодий ва инновацион технологиялар, 10(5), 325–330. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a35*
12. Нормурзаев У. (2021). *Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. Экономика и образование, (6), 82–86. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/285>*
13. Нормурзаев У. (2021). *Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355–362. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954*
14. Нормурзаев У. *Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуллардан фойдаланиш йўллари. //Экономика и образование, 2021. – №. 3. – С. 91-95.*
15. Исаев Ф. *Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиш методикаси: https://doi.org/10.55439/ECD/vol23_iss5/a30. //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 5. – С. 171-176.*
16. Isaev F. *Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2021. – №. 6. – С. 326-333.*
17. Isaev F. I. *Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.*
18. Ikromovich, Isayev Fakhridin. *"Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.*
19. Ikromovich, Isayev Fakhridin. *"Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.*
20. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). *ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>*
21. Isaev, F. (2021). *Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224*
22. Исаев, Ф. (2022). *РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>*